

1. Қарз олувчининг қискача тавсифи.
2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.
3. Бозор холатининг тахлили.
4. Ишлаб чиқариш режаси.
5. Ташкилий режа.
6. Молиявий режа.

1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.

Урганч шаҳридаги Якка тартибдаги тадбиркор _____ Урганч шаҳар
Хокимининг 20__ йил ____ № ____ – **сонли** қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Якка тадбиркор ўзининг тасдиқланган Низоми асосида қўйидаги фаолият
турларини амалга оширади:

- **Ахолига телекоммуникация хизмати кўрсатилиши дилерлар сим карталар
сотиш;**

Якка тадбиркорнинг паспорт маълумотлари:

Паспорт серияси: _____, ____ йилда Қўшқўпир туман ИИБ
томонидан берилган.

ЯТТ манзилгохи: **Урганч шаҳри.**

Банк реквизитлари:

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Якка тадбиркор _____ хисоб раками
«Миллий банк» Урганч филиалида очилган

Хисоб раками : _____

ИНН : _____

МФО : _____

2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.

Якка тадбиркор белгиланган фаолият турига асосланиб, ахолига телекоммуникация яъни диллерлик, алоқа воситаларига пул тўловлари бўйича халқимизга арzon ва сифатли хизматлар етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Бу ишни амалга ошириш учун йилига 7 фоиз бўлган 1500,0 минг.сўм пул маблағини кредитга олиб ўзига тегишли бўлган бинода иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 2000,0 минг сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин Якка тадбиркор ўзининг хозирги кундаги имкониятидан хамда Пахтабанк банк томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 7 фоизли ставка бўйича 1500,0 минг сўм микдоридаги кредит маблағини 2 йил муддатга олиш зарур деб хисобламоқда.

Якка тадбиркор кредит маблағини олгандан кейин бинони хизмат кўрсатишга мослаштириб реконструкция қилишга киришади хамда зарур асбоб-ускуналар ва мосламаларни сотиб олади.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун сарф харажатлар корхона хисобидан амалга оширилади.

3. Бозор холатининг таҳлили

Якка тадбиркор томонидан ташкил этилаётган фаолияти орқали ахолига кўрсатиладиган хизматга хозирги кунда талаб жуда катта, чунки бу кўрсатиладиган хизматлар асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини, ахолини телекоммуникация хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришда асосий омил хисобланади.

4. Ишлаб чиқариии режаси.

Олинган кредит маблағи хисобига хизмат құрсатиш ускуналари сотиб олишни режалаштирган. Демак, Якка тадбиркор ушбу күзланган мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олғандан кейин йўлга қўяди.

Кредит маблағини лойиха бўйича сарфланиши йўналишлари:

| № | Олинган маблагни сарфланиш йўналишлари | Сони | Бахоси, минг Сум | Сумма, минг сум |
|----------|--|-------------|-----------------------------|----------------------------|
| 1. | Компьютер Р-4 | 1 | 1500,0 | 1500,0 |
| 2. | Кредит маблагининг умумий микдори | | | 1500,0 |
| 3. | Лойихада тадбиркорнинг янгидан күшадиган улуши | | | 500,0 |
| | Лойиханинг умумий баҳоси: | | | 2000,0 |

ИЗОХ: Хизмат қўрсатиши учун кетадиган хом ашё маҳсулотларини сотиб олиш ва бошқа харажатларни ўз хисобидан амалга оширилади.

5. Ташиклий режса.

Якка тадбиркор банкдан олинадиган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини қўрсатган хизматини сотищдан тушган фойда хисобидан қайтаришни кўзда тутган.

6. Молиявий режса.

Якка тадбиркор фаолияти давомида қўрсатган хизматни сотищдан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми унинг даромади хисобланади.

Кўрсатилган хизматлар таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа кутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

Хизмат қўрсатиши режаси.

Хозирги кунда Урганч шаҳридаги Якка тадбиркор _____ мавжуд маблағни хизмат қўрсатишига мослаштириш мақсадида ушбу бинони реконструкция қилиб, қайта таъмирлаш мақсад қилиб қўйилган. Бу мақсад корхона хисобидан амалга оширилади. Якка тадбиркор ўзининг имкониятидан келиб чиқиб, хизмат қўрсатиши хажмини қуидагича белгилайди:

ХИЗМАТ ҚЎРСАТИШ ХАЖМИ
(микдор хисобида)

| № | Лойиха мақсади | Үлчов бирлиги | 1 кунда | 1 Ойда* |
|----------|------------------------------------|----------------------|----------------|----------------|
| 1 | Пул тўловлари | минг.сўм | 150,0 | 3600,0 |
| 2 | Сим карталар сотиши (USELL) | дона | 6 | 144 |

* Корхона хар ойда 24 кун ахолига хизмат кўрсатади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш учкуналарини сақлаш, мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, хисоблагич ва белгиланган нормативлар асосида хисобланади. Бу харажатлар йилига 1 200 000 сўмни ташкил қиласди.

**Бошқа харажатлар сим карталари сотиши
хизмати кўрсатиш учун.**

(сўмда)

| № | Харажат номи | Үлчов бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
|----------|---------------------|----------------------|----------------|---------------|----------------|
| 1 | Бошқа харажатлар | сўм | 4166,7 | 100 000 | 1 200 000 |

**Симкарталар сотишида кўрсатилган хизматлар
танинчлиги:**

| № | Харажатлар | Үлчов бирлиги | Ишлаб чиқариш бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
|----------|-------------------------|----------------------|------------------------------|----------------|---------------|----------------|
| 1 | Хом ашё | сўм | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| 2 | Амартизация | сўм | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| 3 | Иш хақи | сўм | 208,3 | 1250 | 30,0 | 360,0 |
| 4 | Иш хақидан ажратма 24 % | сўм | 50 | 300 | 7,2 | 86,4 |
| 5 | Бошқа харажатлар | сўм | 694,4 | 4166,7 | 100,0 | 1200,0 |
| 6 | Бошқарув харажатлари | сўм | 775 | 4650 | 111,6 | 1339,2 |
| 7 | Умумий харажат | | 1727,8 | 10366,7 | 248,8 | 2985,6 |
| 8 | Сотиши баҳоси | | 2850 | 17100 | 410,4 | 4924,8 |
| 9 | Фойда | | 1122,2 | 6733,3 | 161,6 | 1939,2 |

Пайнет пул тўловлари хизмати кўрсатишда ўтказилган барча тўловларнинг 2 % и корхона даромади хисобланади.

Пайнет хизмати кўрсатиш (пул тўловлари)
таннархи:

| № | Харажатлар | Ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқариш бирлиги | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
|----------|-----------------------|--------------------------|--------------------------------------|----------------|---------------|----------------|
| 1 | Умумий харажат | сўм | 0 | 150,0 | 3600,0 | 43200,0 |
| 2 | Сотиш баҳоси | сўм | 0 | 153,0 | 3672,0 | 44064,0 |
| 3 | Фойда | сўм | 0 | 3,0 | 72,0 | 864,0 |

Якка тадбиркорнинг 1500,0 минг сўм кредит маблағидан
2 йил муддатга фойдаланишининг молиявий натижаси

| № | Кўрсаткичлар | 1 йилда | 2 йилда | Жами (минг сўмда) |
|----------|---------------------------------|--------------------|--------------------|----------------------------------|
| 1 | Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи | 46185,6 | 46185,6 | 92371,2 |
| 2 | Маҳсулот сотишдан тушум | 48988,8 | 48988,8 | 97977,6 |
| 3 | Ялпи даромад | 2803,2 | 2803,2 | 5606,4 |
| 4 | Ялпи даромаддан 10 % | 1009,4 | 1009,4 | 2018,8 |
| 5 | Кредитни фоиз қайтарилиши | 105,0 | 52,5 | 157,5 |
| 6 | Кредитни қайтарилиши | 750,0 | 750,0 | 1500,0 |
| 9 | Соф фойда | 938,8 | 991,3 | 1930,1 |

Шундай қилиб, Устама хақи йилига 7 % бўлган 1500,0 минг сўм кредит маблағидан 2 йил муддатга фойдаланиш натижасида Якка тадбиркорга 5606,4 минг сўм даромад олиб келади. Кредит ва барча мажбурий тўловларни тўлагандан кейин Якка тадбиркор хисобида 1930,1 минг сўм соф фойда қолади ва бу маблағдан корхонанинг кейинги фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланилади.

Якка тадбиркор